

ШАРТНОМА № 30  
сиқилган газ етказиб бериш буйича

Янгиер ш.

20 Январ 2022 й

Низом асосида фаолият юритувчи куйида «Таъминотчи» деб юритилувчи рахбар Ж.Тожикулов. номидан «ЯНГИ-МЕТАН-ГАЗ» МЧЖ бир томондан ва иккинчи томондан кейинчалик «Истеъмолчи» деб аталувчи рахбар Ф. Турматов номидан Овдотмаштириш бошқармаси куйидагича шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1. «Таъминотчи» махсулот етказиб беришнинг бажарилишини буйнига, «Истеъмолчи» эса тўлаш ва муддатни белгилашни амалга оширади:

| Махсулотн номи  | ўлч.бир        | Бир йил учун таъминлаш Жами: | Жумладан чораклар буйича |   |   |   |
|---|----------------|------------------------------|--------------------------|---|---|---|
|   |                |                              | 1                        | 2 | 3 | 4 |
| Газ балонли автомобиллар учун сиқилган табиий газни кайта ишлаш ва сотиш. | М <sup>3</sup> | 5833                         | 5833                     |   |   |   |

2. Етказиб бериш «Истеъмолчи» газ балонларини «Таъминотчи» нинг автомобилга газ тулдириш компрессор станциялари (АГНКС) дан тўлдириш йўли билан амалга оширилади.  
3. Етказиб бериш (таъминот) вакти бўлиб «Истеъмолчи» автомобилни тўлдириш вакти ҳисобланади.

2. ТЎЛОВ

4. Шартнома буйича жами 13999200 (Уч хил келамсон тўлов, 107 тўлов, 107 тўлов, 107 тўлов) сўм, шартнома буйича 1м<sup>3</sup> газнинг нархи у тузилган вақтда 2400 ( икки минг турт юз ) сўмни ташкил қилади ва хом ашё, махсулотлар, ёқилғи-энергетика ресурслари нархи ўзгаришига қараб ва шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳуқуқий ҳужжат ва қарорларининг ўзгаришига қараб ўзгартирилиши мумкин.  
5. Сиқилган газ учун тўлов банк қоидаларига мувофиқ амалдаги қонуннинг шаклларида амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида тасдиқланган, декларация қилинган рўйхат реестрига кўра етказиб берилган кундаги газ нархида бўлади (тўланади).  
6. СТГ (сиқилган табиий газ) ёқилғисини жўнатиш ведомостлар буйича, ўрнатилган шаклда тўловни 100 % олдиндан тўлаб ва «Таъминотчи» ҳисоб рақамига пул келиб тушганидан сўнг бажарилади. Олдиндан тўлаш амалга оширилган ҳолатда «Таъминотчи» газ етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш ҳуқуқига эга. Вақтида тўланмаган ҳар бир кун учун «Сотиб олувчи» олдиндан тўланадиган сумманинг 0,4 % ҳажмида пеня тўлайди, лекин бу тўловнинг 50 % идан кўп бўлмаслиги лозим.  
7. «Таъминотчи» томонидан таъминот муддати бузилган ҳолатда «Таъминотчи», «Истеъмолчи» га ҳар бир муддатидан ўтган кун учун товар кийматининг 0,4 % и ҳажмида пеня тўлайди.  
8. «Истеъмолчи» автомобилдан фойдаланиш вақтида унинг техник ҳолати ва техник хавфсизлиги учун тўлик жавобгарликни ўз буйнига олади.  
9. «Истеъмолчи» куйдагиларга мажбур:  
а) газдан ва газ баллонли автомобиллар фойдаланиш масалалари буйича барча амалдаги қоида, техник шартлар, қўлланма ва қоидаларни аниқ бажариш (риоя қилиш);  
б) газ баллон ускунаси ва автомобилнинг эҳтиёт қисмларини яхши ҳолатда сақлаш;  
в) йўл ҳужжатида баллонлар сонининг техник аҳволи ва уларнинг геометрик ҳажми буйича илова бўлиши;  
г) автомобилни ўрнатилган ҳолатда газга тўлдириш буйича рухсат олиш;  
д) автомобилнинг техпаспортида (махсус иловасида) баллонларнинг умумий, геометрик ҳажмининг 0,5 аниқликдаги сони бўлиши, шунингдек махсус автомобил қисмларига ёзиб қўйиш.  
10. «Таъминотчи» ва «Истеъмолчи» сиқилган газни бир маромда бир ой мобайнида газ ҳажмининг ўртача бир суткалик нормаси чегарасида бериш ва олишлари керак.  
Сиқилган газдан фойдаланиш буйича келгусида бўладиган ўзгаришлар ҳақида «Истеъмолчи», «Таъминотчи» ни квартал бошигача 15 кундан кам бўлмаган муддатда ёзма равишда ёки телефон орқали оғохлантириб қўйиши керак.